*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 18 август ШАНБА

№ 65 (12.493)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## «БУНЁДКОР»ЧИЛАР ҲАРАКАТДА

**Маълумки, 2007 йилдан буён ёзги таътил давомида ўқувчи-талабаларни бўш вақтларида фойдали меҳнатга жалб этиш, маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларида иштирок этишида кўмаклашиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Бунёдкор" талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.**

2012 йилда вилоят олий ўқув юртларида ташкил этилган "Бунёдкор" талаба ёшлар гуруҳлари бир қатор йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этдилар. Хусусан, Тошкент Давлат аграр университетининг "Агро иқтисодиёт" факультети ётоқхонасини қайта таъмирлашда 200 нафар талаба-ёшлар иштирок этди.

Вилоят давлат педагогика институтининг 4 та корпусини таъмирлашга институтнинг 110 нафар "Бунёдкор"чилари жалб этилди.

Навоий кончилик институтининг Олмалиқ шаҳар факультетини капитал таъмирлаш мақсадида ташкил этилган "Бунёдкор" сафида 250 нафар талаба иштирок этмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ҒОЛИБ «ҲУМО»да АНИҚЛАНДИ

**Қибрай туманидаги "Ҳумо" спорт соғломлаштириш мажмуасида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.**

Унда 100 дан зиёд турли ёшдаги спорт ихлосмандлари иштирок этди. Қатнашчилар спортнинг бадиий гимнастика, кураш, бокс каби 8 тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ирода НОРБОЕВА.**

ТАНЛОВ



## ИЖОДКОРГА ИЛҲОМ БЕРГАН КУН

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида иштирок этганлар ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танлов халқимиз, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Мазкур ижодий танлов мамлакатимизда эришилаётган ютуқларни адабиёт, кино, оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат каби йўналишларда акс эттириш йўлидаги ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.



Танловга вилоятда фаолият кўрсатаётган ижодкорларнинг уч йўналиш бўйича юзга яқин ижодий ишлари тақдим этилди.

Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича чинозлик ижодкор Абдулла Шеров биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Ашурали Боймуродов ва Латифжон Мансуровга насиб этди.

Босма оммавий ахборот воситалари ходимлари журналистик ишлари бўйича "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири Равшан Ёқубжонов ғолиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни "Паркент тонги" газетаси ходими Дилфуза Мировидова ва "Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетаси муҳаррир ўринбосари Ҳулкар Ўролова эгалладилар.

Тасвирий санъат асарлари йўналиши бўйича "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бўлими мутахассиси Низомиддин Султонов биринчи, фотосуратчи Мафтуна Эсонова иккинчи, Ҳасан ва Ҳусан Пирмуҳамедовлар учинчи бўлишди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ҳайъати 2012 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 19 август якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилганини инобатга олиб, Ҳайит айёмини кенг нишонлаш мақсадида 2012 йил 20 август куни дам олиш куни сифатида белгилансин ва 19 август байрам кунига қўшилсин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли, юқори даражада ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши бўйича тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16 август.

Янги Чиноз шаҳарчасида мустақиллигимизнинг 21 йиллиги шодиёнаси муносабати билан бошланган ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етди.

## ОБОД КЎЧАЛАР

Салкам 5 минг аҳолиси бор шаҳарча кўчалари, йўллари обод қилинди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Йўл четларига байроқлар ва шиорлар осилди. Бундай хайрли ишлар шаҳарчанинг "Марказий кўча", "Янгиобод" маҳаллаларида ҳам якунига етди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

**Сўнгги йилларнинг кўзга яққол ташланиб турган ютуқларидан бири йўловчи ташиш транспортидаги катта янгиланишлар, десак хато бўлмайди. Ҳаво, темирйўл ва автомобиль транспорти тубдан янгиланди. Уларнинг қатновини ташкил этишда катта сифат ўзгаришлари юз берди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти кескин кўтарилди.**

– Автомобиль транспортида йўловчи ташиш борасида вилоятимизда юз берган ўзгаришлар, турли мулкчиликдаги автотранспорт паркининг мутлақо янгиланиши бунинг далилидир, – деди вилоят ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Сайфиддин Сирожиддинов "Тошкент ҳақиқати" мухбири билан суҳбатда. – Ўтган асрнинг 90-йилларида тармоқда бошбошдоқликка барҳам бериш, аввало, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш муаммолари долзарб тус олганди. Уларни бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ва Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамият касб этди.

Бу қарор қабул қилинганига олти йил бўлаяпти. Уларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун катта ташкилий-хўжалик ишлари бажарилди. Эндиликда вилоятимизда 161 та автокорхона ва автоуюшмалар тегишли йўналишларда йўловчи ташиш билан шуғулланаётир. Икки йил илгари улар аранг 130 тага етарди. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига 206 та корхона ва ташкилотларга вилоятимизда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар топширилди.

**– Маълумки, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий равнақи, аҳолининг иш билан бандлик ва турмуш даражаси, ёшларнинг илм олиши мамлакатимиз пойтахтига қатновчи йўловчи транспорти ҳаракатига бевосита боғлиқ. Уни яхшилаш, узлуксизлигини таъминлаш учун нималар қилиняпти?**

– Бугунги кунга келиб, вилоятимизда 534 та йўналиш бўйича йўловчи ташиляпти. Уларнинг 236 таси автобус, 298 таси такси йўналишларидир.

Вилоятимиз шаҳар ва туманлари марказлари, қишлоқларимиз аҳолисининг пойтахтга қатновини ташкил этиш ва янада яхшилаш учун Тошкент шаҳри йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, бошқа манфаатдор идоралар билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Эндиликда шаҳар атрофи қишлоқлари, катта-кичик шаҳарларимиз пойтахтнинг йирик автошоҳбекатлари, метро станциялари, бозорлар билан йўловчи ташиш транспорти орқали боғланган. Бу йўналишларда ҳар куни ўн минглаб йўловчи ташиляпти.

(Давоми 2-бетда).

ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТ

## УЛАР ҲАР ҚАЧОН, ҲАР ВАЗИЯТГА ТАЙЁР

**Олмалиқдаги марказий "Металлург" ўйингоҳида ёнғин-амалий спорт тури бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати мусобақалари бошланди. Унда мамлакатнинг турли минтақаларидан 10 та жамоа иштирок этмоқда.**

Республика чемпионати финалига энг кучли жамоалар етиб келганлиги табиий. Бинобарин, зонал босқичларида ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатган ушбу жамоалар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизғин ва албатта муросасиз кечади.

Ҳар бири таркибида 6 нафардан спортчи бўлган жамоалар тўрт кун давомида бешта беллашувда иштирок этади. Чемпионат регламентига 4х100 метр масофага ёнғин эстафетаси, ўт ўчириш машинасидан то ёнғин содир бўлган жойгача ҳаракатланиш, махсус нарвонлардан уч ва тўрт қаватли машқ минорасининг деразаларига кўтарилиш ҳамда 100 метрли масофага қўйилган тўсиқларни босиб ўтиш киритилган.







– Ўт ўчирувчиларимиз ҳар қачон ва ҳар қандай вазиятга тайёр туришлари керак бўлади, – дейди Ўзбекистон ёнғин-амалий спорт федерацияси ижрочи директори Расул Ҳусанов. – Ҳар йили ўтказилаётган бундай мусобақалар ёшларимизнинг маҳоратларини ошириб боришга ва айниқса, улар ўртасида айнан шу спорт турининг кенг оммалашувига хизмат қилади. Майли, спорт майдони ҳамда машқ давомида қийин бўлсин. Аммо, шу оғир дақиқаларда орттирилган чуқур малака ва бой тажриба юз берадиган ёнғинларни ўчиришда жуда асқотади.

Вилоятимиз терма жамоаси ушбу мусобақаларда амалдаги чемпион сифатида иштирок этмоқда. 2011 йили Фарғонада бўлиб ўтган аввалги чемпионатда улар энг моҳир ўт ўчирувчилар эканларини намойиш этгандилар.

– Албатта, биз улардан бу гал ҳам фақат ғалаба кутамиз. Чунки "ўз уйлари"да қатнашаётган йигитларимиз олтин медални қўлга киритишга қодирлар, – дейди Расул Ҳусанов.

Республика Ички ишлар вазирлиги қошидаги оркестр мис трубаларини қуёш нурида ялтиратиб, қувноқ марш ижро этишни бошлади. Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими қувноқ байрам шоусига айланди. Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ИИБ, ёнғин бошқармаси раҳбарияти, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева спортчиларни чемпионат мусобақалари бошлангани билан қутлаб, уларга муваффақиятлар тилашди.

Олмалиқ фольклор-этнографик жамоалари томошабинлар учун шўх-шан рақслар ижро этдилар. Ёш спортчилар ҳам кўргазмали чиқишларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шундан сўнг бевосита мусобақалар бошланиб кетди.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими Ўзбекистон эстрадаси юлдузлари чиқишлари билан якунланди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

**Халқ депутатлари вилоят кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси А. Бўриев бошқарди. Доимий комиссия вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р. Неъматовнинг 2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этишга доир ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилди. Таъкидландики, якунланган ўқув йилида битирувчиларнинг 99,9 фоизи ишлаб чиқариш амалиёти ва ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартнома билан қамраб олинди.**

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР – ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Шаҳар ва туманларда ўтказилган 48 та ярмаркада 2890 та корхона 20 минг 876 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. 5807 битирувчи ўз касби бўйича ишга жойлашди ёки йўлланма олди.

Доимий комиссия аъзолари уч томонлама шартномалар ижросини чуқур таҳлил қилишди. Бўка туманида 64, Бекобод туманида 60, Қуйи Чирчиқ туманида 50, Чиноз туманида 47, Пискент туманида 45 фоиз битирувчи ҳозиргача ўз меҳнат фаолиятини бошлаб юборди. Лекин Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманларида бу жараён суст ташкил этилгани жиддий танқид қилинди. Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Қибрай, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Зангиота туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри ҳокимликларидан битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича шошилинч чоралар кўриш талаб қилинди. Бу борада депутатлик назоратини янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди.



Доимий комиссия Олий Мажлис Сенатининг "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини ўрганиш якунларини ҳам кўриб чиқди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш барқарор тус олиб, иқтисодий ўсиш суръатлари юксалиб бораётгани таъкидланди. Тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш изчил тус олдирилди, бир қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Биринчи ярим йилликда 90,7 миллиард сўм ҳамда 18,5 миллион доллар миқдорида сармоя ўзлаштирилиб, 190 та янги корхона ишга туширилди.

Шу билан бирга доимий комиссия аъзолари Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратишди. Халқ депутатлари Ангрен шаҳар ва Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон туман кенгашлари бу борада сустликка йўл қўяётгани кўрсатиб ўтилди. Махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, масалани ўрганишни чуқурлаштириш, натижаларни умумлаштириб, уни Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

ОГОҲЛИК

# БАЙРАМНИ ХУРРАМ ЎТКАЗАЙЛИК

**Кўнгилларимизни қувонч ва ифтихорга тўлдириб, қутлуғ байрам кириб келмоқда. Рамазон ҳайити маънавий ҳаётимизда, инсон ўзлигини танишида муҳим ўрин тутишини ислом дунёси қанчалик теран ҳис этиши ҳаммамизга аён.**

Биз бу байрамларни ҳамиша маънавий мукаммалликка, инсоний покликка, диний ҳамжиҳатликка кучли интилиш билан нишонлаймиз.

Афсуски, атрофимизда бу ҳаётбахш байрам кунлари ҳам ўз нопок ва ёвуз ниятларини амалга ошириш, тинчлик ва осойишталигимиз, диний бағрикенглик тамойилларимизга путур етказишни мақсад қилиб қўйган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар муқаддас динимизни ниқоб қилиб ўз қабиҳ ниятларини амалга оширмоқчи, шу мақсадда, айниқса, ёшларнинг онгига зарарли таъсир кўрсатиб, уларни йўлдан урмоқчи бўлмоқдалар, турли нотинчликлар чиқаришга уринмоқдалар. Шу боис ҳар биримиз байрам кунлари огоҳликни, зийракликни ҳар қачонгидан кучайтирмоғимиз керак.

**Қўчқор АҲМЕДОВ,**
**Зангиота туманидаги "Гулобод" маҳалласи оқсоқоли.**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

**– Йўловчи транспорти паркларидаги ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?**

– Бугун йўловчи транспорти парк хўжалиги тамомила янгиланди. Барча йўналишларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Исузу" русумли автобуслар кўпайиб боряпти. Шу йилнинг дастлабки олти ойида автокорхоналаримиз яна 13 та шундай автобус олди. Бугун 780 тадан зиёд шундай автобуслар асосан Тошкент шаҳрини вилоятимиз шаҳар ва туман марказлари билан боғловчи йўналишларда хизмат кўрсатаётир.

Бундан ташқари, йўналишли ва йўналишсиз такси парклари ҳам асосан мамлакатимиз автосаноат корхоналарида, қисман хорижда ишлаб чиқарилган кичик автобуслар, енгил автомобиллар билан тўлдириляпти. Вазирлар Маҳкамасининг "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори амалга ошира борилиб, ҳозиргача шаҳар ва туман марказларида йўналишсиз таксилар учун 24 та махсус тўхташ жойлари ташкил қилинди. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишнинг бу тури билан 57 та корхона ва ташкилот шуғуллана бошлади. Улар 530 та лицензияланган енгил автотранспорт воситаларига эга. Ҳозиргача 600 дан зиёд енгил автомашина тегишлича сариқ рангга бўялди. Уларнинг 317 таси махсус серияли давлат рақами билан таъминланди.

**– Кўриниб турибдики, турли мулкчилик шаклидаги автокорхоналар ва автоуюшмаларнинг парк хўжалиги янгиланиб бораяпти. Йўловчи ташиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида бу имкониятлардан қандай фойдаланиляпти?**

(Давоми 2-бетда).

– Аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини ўрганиб, тўлароқ таъминлаш чораларини кўраяпмиз. Бу мақсаддаги мониторинг натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 43 та янги такси йўналишлари очилди. Улар, асосан, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Бекобод туманларида ташкил этилди.

Йўловчи ташиш кўламларини кенгайтиришнинг бошқа имкониятлари ҳам йўқ эмас. Лицензияланган айрим автокорхона ва автоуюшмалар, улар таркибидаги автотранспорт воситаларидан тўла фойдаланилмаётир. Вилоятимизда йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган 206 та корхона ва ташкилотдан 45 таси йўловчиларга мунтазам хизмат кўрсатмаётир. Автобусларнинг 195 таси, микроавтобусларнинг 14 таси, енгил автомобилларнинг 151 тасидан йўловчи ташишда тўла фойдаланилмаяпти. Табиийки, баъзи йўналишларда транспорт қатновининг тўхтаб қолиши йўловчилар асабини бузади, уларда ишончсизликни кучайтиради.

Департамент бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўраётир. Муайян сабабларга кўра тўхтаб қолган автобус йўналишлари тикланяпти. Чунончи, кейинги пайтларда Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларида биттадан, Қуйи Чирчиқда иккита автобус йўналишида йўловчи ташиш қайта тикланди.

Яна бир муҳим масала – хизмат кўрсатиш маданияти. Аввало, қатнов жадвалларининг мунтазамлиги ниҳоятда муҳимлигини таъкидламоқчиман. Иккинчидан, хизмат маданияти кўп жиҳатдан автотранспорт салонининг ҳолати, тозалиги, ўриндиқларнинг озодалиги, тегишли ахборотлар, қатнов жадвали мавжудлиги, ишонч телефонлари рақамлари кўрсатилгани билан белгиланади. Учинчидан, ҳайдовчининг ташқи қиёфаси, кийиниш ва муомала маданияти алоҳида аҳамиятга эга.

Умуман, корхона ва ташкилотлар хизмат кўрсатиш даражасини доимий назорат остига олишган. Йўл ҳаракати ва солиқ хизматлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ўтказилаётган рейд текширувлари йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини тартибга солиш, хизмат маданиятини оширишга ёрдам бераётир.

– Миллий мустақиллик байрами арафасида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, – деди пировардида Департамент бошлиғи, – бугунги кунга келиб, автомобиль транспорти ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда, ялпи иқтисодий тараққиётни таъминлашда белгиловчи тармоққа айланди. Биринчи ярим йилликда вилоятимиз автокорхоналари ва ташкилотларидан нақд пул тушуми ўтган йилнинг шу муддатидаги 13,85 миллиард сўмдан 16,63 миллиард сўмга кўпайди. Ўсиш суръати 120,1 фоизга етди. Биз бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, бу жараённи сақлаб қолиш ва кучайтириш чораларини кўраяпмиз.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши туман ва шаҳарларда "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказмоқда.

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ

Фестиваллар доирасида ўтказиладиган "Президент асарлари билимдони" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда 2012 йил 2 августдан 29 август кунига қадар "Концепция - мамлакатимиз тараққиёти кафолати" шиори остида тарғибот ойлиги тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини ёшларга кенгроқ тушунтириш мақсадида тузилган тарғиботчилар гуруҳи ушбу тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунга қадар Олмалиқ шаҳри, Бўка ва Зангиота туманларида семинарлар ташкил этилди.

Концепция тарғиботи ойлиги доирасида ташкил этилаётган бундай семинарлар қолган туман ва шаҳарларда ҳам ўтказилади.

**Умида ШУКУРОВА.**

# ҚЎМИТА САЙТИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сайти янгича кўриниш касб этди.**

Эндиликда бу сайтга кирувчилар янги интерактив хизматлар, шунингдек, ўзбек ва рус тилларидаги турли маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

Янги сайт қулайлиги ва сертармоқлиги билан ўзига хосдир. Саҳифаларга жойлаштирилган ахборотлар воситасида Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг турли йўналишлардаги фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш мумкин. Сайт турли таҳлилий материаллар, мақолалар, рақобат, реклама, истеъмолчилар ҳуқуқлари муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа мавзулардаги сўнгги янгиликлар ҳақида хабардор қилади. Шунингдек, сайт иштирокчилари ишлаб чиқилаётган турли меъёрий ҳужжатлар ва лойиҳаларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари ҳам мумкин.

Янги веб-сайтда тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун зарур бўлган барча маълумотлар мавжуд. Масалан, барча қизиқувчиларга ушбу сайт орқали банкротлик ҳолатидаги корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги мулк рўйхати, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш жадваллари, суд бошқарувчиларининг рўйхати, шу билан бирга табиий монополия субъектларининг ҳозирги тарифлари билан танишиш учун имкониятлар яратилган.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**"Туркистон-пресс".**



# МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Чирчиқ шаҳрида кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага кирди. 863 та кўп қаватли уйларга 112 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 14 та бошқарув компанияси техник хизмат кўрсатмоқда.**

673 та уй марказий иссиқлик тизими таркибида бўлиб, 38 та уй маҳаллий қозонхоналарга уланган, 152 та уй контрамарка печлари билан иситилади. Ширкатларга тижорат банклари 196 миллион сўм кредит ажратди. Шунингдек, 25 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шу ҳисобдан бу йил 245 уйнинг иситиш тизимини тиклаш режалаштирилган. Ҳозиргача улардан 117 тасининг иситиш тизими таъмирланди ва 59 та уйда бу ишлар давом этмоқда.

Йиллик режага кўра, 20 та кўп қаватли уй мукаммал таъмирланиши лозим. Бугунгача 10 тасида иш якунланди. 226 та уйнинг том қисми жорий таъмирдан чиқарилди. 68 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Шунингдек, 37 та болалар майдончаси қайтадан тикланди.

– Ўтган мавсумдаги камчилик ва муаммоларни бу йил қайтармаслик учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда, – дейди Чирчиқ шаҳридаги "Тоҳирбек-Нурли-Келажак" масъулияти чекланган жамият бошқаруви раҳбари Т. Аширметов. – Компаниямиз 8 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига техник хизмат кўрсатмоқда. Шу кунгача олтита уйнинг кириш йўлаги, тўртта уй олдидаги болалар майдончаси, бешта уйнинг том қисми таъмирлаб бўлинди.

**СУРАТДА:** Чирчиқ шаҳридаги "Тоҳирбек-Нурли-Келажак" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Ойбек Жўраев.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# ЛИЗИНГ: ИМТИЁЗ ВА САМАРАДОРЛИК

**Тошкентда Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳада жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, лизинг бозорини ривожлантириш бўйича келгусидаги вазифалар белгилиб олинди.**

Тадбирда жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз лизинг хизматлари бозорида умумий қиймати 252 миллиард сўмдан зиёд 2,5 мингдан ортиқ шартнома имзоланганлиги эътироф этилди. Ҳисобот даврида лизинг операцияларининг умумий портфели бир триллион 373 миллиард сўмни ташкил этган.

Тадбирда асосан қишлоқ хўжалик техникаси лизингга берилаётгани ва жорий йилнинг биринчи ярмида жами лизинг шартномалари таркибида унинг улуши 35,5 фоизни ташкил қилгани таъкидланди. Барча шартномаларнинг 31,9 фоизини технологик ускуналар, 23,4 фоизини лизингга берилган автотранспорт воситалари, 9,2 фоизини эса кўчмас мулк ва бошқа мулклар ташкил этади.

**"Туркистон-пресс".**

# АРАФАДАГИ ТИББИЙ КЎРИК

**Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими хайр-саховат акцияси ташкил этди.**

Шу жараёнда шаҳар ва туманлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари иштирокида маҳаллалардаги аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, улар билан суҳбатлар уюштирилди. Улар Қуйи Чирчиқ, Ангрен, Ўрта Чирчиқ туман ва шаҳарларида ҳарбий қисмлардаги аскарлар, шунингдек, кексалар, ёлғиз ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиб, керакли дори-дармон ҳамда санитария-гигиена воситаларини топширишди.

**Шаҳло ФАЙЗИЕВА.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ИСТЕЪМОЛЧИ МУРОЖААТИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Қарийб йигирма бир йил бурун бошланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга устуворлик берилгани самараси бугун яққол кўзга ташланмоқда. Аввало, бу соҳани жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда.**

Ўтган йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти институти ҳам фаолиятини бекиёс кенгайтирди ва янада такомиллаштириб, халқ ишончини қозонди.

– Эндиликда ўнлаб эмас, юзлаб истеъмолчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари поймол этилаётгани ҳақида бизга умид ва ишонч билан мурожаат қиладиган бўлдилар, – деди республика Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири билан суҳбатда. – Гап шундаки, ходимларимиз истеъмолчиларнинг бирорта ҳам ариза-шикоятларини эътиборсиз қолдирмай, аҳволни бевосита жойига чиқиб, ўрганиб, муаммони охиригача ҳал этишни одат қилишган.

Ўтган ярим йилликда, ҳудудий бирлашмамизга ҳамда шаҳар ва туман жамиятларига 204 та ёзма ва 22 та оғзаки ариза-шикоят тушди. Шунингдек, ишонч телефонлари орқали 21 та мурожаат бўлди. Жами 247 та ариза ва шикоятнинг 211 таси ёки 85,4 фоизи истеъмолчилар фойдасига, яъни ижобий ҳал этилди. 90 та ариза-мурожаатда баён этилган ҳолатлар қонуний ўрганилиб, истеъмолчилардан ноҳақ ундирилган 48 миллион 661,9 минг сўм эгаларига қайтариб олиб берилди. Ариза-шикоят ва топшириқлар натижаларига кўра, бешта ҳолат бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, тегишли давлат органларига чора кўриш учун юборилди. Туман ва шаҳар жамиятлари қошида ташкил этилган "Ҳуқуқий маслаҳат" марказларига тушган 186 та мурожаат кўриб чиқилди.

Ёзма, оғзаки ҳамда ишонч телефонлари орқали мурожаатлар кўпайиб бораётганининг асосий сабаби вилоятимиз фуқаролари ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тушуниб, англай бошлаганларида, десак муболаға бўлмас. Зеро, ҳудудий бирлашмамиз ҳамда шаҳар ва туман жамиятлари аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот олиб бормоқда. Жумладан, ўтган олти ой давомида жойларда истеъмолчи ҳуқуқлари мавзусида 32 та маъруза ўқилди. 73 марта ўқув-машғулотлари ўтказилди. 235 марта давра суҳбатлари уюштирилди.

Бундан ташқари, тарғибот-ташвиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида "Ўзтелерадиокомпания"нинг эшиттириш ва кўрсатувларидан, босма оммавий ахборот воситаларидан ҳам самарали фойдаланаяпмиз. Жумладан, шаҳар ва туман жамиятлари аҳолининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида матбуот, радио ва телевидениеда 79 марта чиқиш қилди. Хусусан, ҳудудий бирлашмамиз оммавий ахборот воситаларида 19 та мақола эълон қилди.

Кейинги пайтларда истеъмолчиларнинг билимини синовдан ўтказиш мақсадида анкета маълумотларини тўплаш усулидан кенгроқ фойдаланаяпмиз. Ярим йил давомида 2150 истеъмолчининг фикри ўрганилди. Шунингдек, шаҳар ва туман жамиятлари боғча ва мактабларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ўрганиш учун аҳоли ўртасида сўровномалар тарқатди.

Республика Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг ушбу қарор ижросига оид буйруғига асосан "Истеъмол хавфсизлиги – мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш гарови" мавзусида жамоатчилик фикрини шакллантиришга оид махсус ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси шаҳар ва туман жамиятларига тарқатилган бўлиб, унинг ижросига оид маълумотлар белгиланган муддатларда Федерацияга тақдим этиб борилмоқда.

**Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДА

# АРИҚ-КАНАЛЛАР ТОЗА, СУВ РАВОН

**Экин борки, сув билан тирик. Вегетация даврида экинларни оби-ҳаёт билан керагича таъминлаш, узилишларга йўл қўймаслик учун ирригаторлар кечаю кундуз тиним билишмайди.**

– Бизнинг Бўзсув ирригация тизимимиз асосан Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларидаги 106 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермеру чорвадорларга, соҳибкору боғбонларга сув етказиб беради, – дейди бошқарма бошлиғи Нуриддин Рихситтиллаев. – Деҳқончиликда қулай келган йининг ўзи бўлмаган. Гоҳида сув танқислиги сезилса, гоҳида ёғингарчилик кўп бўлиб, дарё ўзанларига сиғмай кетади. Шунинг учун ирригаторлардан катта масъулият талаб этилади. Қарамоғимизда 152 та суғориш тармоқлари бўлиб, улар 994 километр очиқ, 135 километр бетонлаштирилган канал ва ариқлардир.

Сувнинг равон оқиши, деҳқон ва фермерларнинг далаларига керакли миқдорда етиб боришида канал ва ариқларнинг тозалиги катта аҳамиятга эга. Шунингдек, гидротехник иншоотлар, гидропостларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш соҳа мутахассислари зиммасида.

Бугунги кунда ирригация тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишларига 15 та экскаватор, 3 та бульдозер, 7 та тиркамали трактор транспорти, иккита юк автомашинаси жалб этилган.

Тизим ирригаторлари қатъий режа асосида ишлашяпти. Жумладан, 2012 йил давомида 116 километр узунликдаги каналлар тозаланди. Шунингдек, бугунга қадар 28 та гидротехник иншоот таъмирланди, 18 та гидропост созланди.

Мустақилликнинг 21 йиллик байрами арафасида шаҳар ичидан ўтувчи 105 километр узунликдаги 12 та канал ҳам тозаланиб, чиқиндилар олиб чиқиб кетилди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг
Тошкент вилояти бўйича
Давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси

*Ўзбекистон халқини қутлуғ*
*Рамазон ҳайити*
*билан муборакбод этади.*
*Хонадонларимиздан тинчлик-тотувлик,*
*қут-барака аримасин!*
*Мустақил юртимиз гуллаб-яшнасин,*
*ҳур, фаровон ҳаётимиз барқарор бўлсин!*
*Эзгу тилакларимиз*
*рўёбга чиқаверсин!*




**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**



**Ўрта Чирчиқ туманидаги Йўнғичқалъа қишлоғи марказида янги ташкил этилган "Макс плюс интернационал" масъулияти чекланган жамияти маҳсулот чиқара бошлади. Чет эл технологияси асосида ёғоч маҳсулотларини ламинация қилиш йўлга қўйилди.**

# МАҲАЛЛИЙ ЁШЛАР ХУРСАНД

– Маҳсулотимиз жуда харидоргир, – дейди жамият раҳбари Оқилжон Жумаев. – Буюртма асосида ишлаб чиқараяпмиз.

Цехда технологик линия ишлаб турибди, уни маҳаллий ишчилар бошқаришяпти. Икки босқичли жараёнда ишлов берилган маҳсулотнинг мустаҳкам сифати ва ташқи кўринишига боқиб, ҳавасингиз келади.

– Биз лаклаб, ламинация қилган ёғоч маҳсулотлар мебелсозликда ва эшиклар ясашда қўлланилади, – деди ишчи Паҳлавон Тангрибердиев. – Халқимиз учун зарур бўлган мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришга эътибор билан қаралмоқда. Яқинда Хитой технологияси асосида иккиламчи хом ашёдан картон қоғоз ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цехда сўнгги ишлар якунланиб, янги линия ишга туширилаётганда улар ҳузурида бўлдик.

– Чилангарлик соҳасида кўп йиллик тажрибага эгаман, аммо сўнгги пайтларда касбим бўйича иш тополмай, бекор эдим, – дейди шу қишлоқлик Ҳамза Ўрозов. – Шу ерда ишлаб чиқариш ташкил этилганини эшитиб келгандим, қабул қилишди. Шароит яхши. Мана, маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам бошлаяпмиз.

Оқилжон Жумаев иккиламчи хом ашёдан қоғоз картон ишлаб чиқариш жараёни билан таништирар экан, шундай дейди:

– Мустақилликнинг 21 йиллиги кунигача линияларни тўлиқ ишга туширамиз. Иш икки сменада ташкил этилиб, яна 20 киши иш билан таъминланади.

Қаровсиз турган бино ака-ука Бекмурод ва Оқилжон Жумаевларнинг саъй-ҳаракатлари билан капитал таъмирланиб, кичик корхона ташкил этилиши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётгани натижасидир. Маҳаллий ёшлар иш билан таъминланмоқда.

– Ўттиз йилдан кўпроқ "Тошкент қоғози" корхонасида мутахассис бўлиб ишладим. Мана шу янги линиялар ишга тушиши муносабати билан маҳаллий ёшларга уларни бошқаришни ўргатмоқдаман, – дейди Амин Йўлдошев. – Хурсанд бўлаётганим, йигитлар жуда тиришқоқ, ҳаракатчан экан. Зарур билим ва кўникмаларни тезда ўзлаштириб олишди.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

# ЯНГИ ТОШКЕНТ-ЧЕЛЯБИНСК РЕЙСИ

**Жорий йилнинг 5 сентябридан Тошкент ва Челябинск шаҳарларини боғловчи ҳафталик рейс ўз ишини бошлайди.**

Мазкур рейс "Уралск авиатармоқлари" компаниясининг А-320 самолётлари ёрдамида амалга ошириладди. Жанубий Урал ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент орасидаги бу қатнов уч йилдан сўнг яна қайта тикланди.

Тошкентга қараб Челябинск шаҳридан учган самолёт ҳафтанинг чоршанба кунлари ҳудудий вақт билан соат 12:25 да келиб қўнади. Ва шу куни соат 13:55 да қайтиб ҳавога кўтарилади. Соат 17:00 да эса Жанубий Урал ўлкаси пойтахти Челябинскка бориб қўнади.

Мутахассислар фикрига кўра, Ўзбекистон пойтахти дунёнинг кўплаб шаҳарларига чиқиш учун қулай географик пунктлардан бири саналади. Чунки Тошкентда МДҲ давлатларидан Жануби-Шарқий Осиё, Европа ҳамда Америка йўналишидаги ҳаво йўллари кесишган.

Ҳозирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан дунёнинг 40 дан зиёд шаҳарларига доимий рейслар амалга оширилади. Шунингдек, жаҳондаги 25 та давлатда Миллий авиакомпаниямиз ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

**"Туркистон-пресс"**


UZTELECOM

*Ҳурматли абонентлар,*
*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*
**«Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали**

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- «102» (милиция)
- «103» (тез ёрдам)
- «104» (газ хизмати)
- «1050» (қутқарув хизмати)
- «10хх» (бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.


# ЖОНГА ОРО КИРАДИ

**Тасаввур қилинг, даб-дурустдан тобингиз қочди. Иситмангиз кўтарилиб, совуқ тер босди. Дорихона тўрт кўча нарида, касалхона эса ундан ҳам узоқда. Нима қиласиз?**

Бундай кезларда шошилинч тиббий ёрдам хизмати жонингизга оро киради. Сўнгги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифати ҳам яхшиланди. Бугун чекка-чекка қишлоқларда тиббиёт муассасалари барпо этилиб, мавжудлари тубдан таъмирланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Шунингдек, энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан бойиди. Жумладан, Пискент тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими фаолияти ҳақида шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

– Уйқусиз тунларимиз кўп бўлади. Биз ҳам толиқамиз, албатта, – дейди бўлим бошлиғи Акромжон Матқаюмов. – Бироқ, аҳволи яхшиланган беморни кўрганда, барчаси унут бўлади.

Шошилинч тиббий ёрдам бўлими 17 ўринга мўлжалланган бўлиб, болалар, жарроҳлик, терапия бўлимлари учун жой ажратилган. Тиббиёт бирлашмасида шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш бўлими билан бир қаторда УЗД, ЭКГ, эндоскопия, партатив рентген, кагулятор каби бўлимлар ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**СУРАТДА:** олий тоифали шифокор Акромжон Матқаюмов ва ҳамшира Барно Душабоева иш жараёнида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 26.08.2010 йилда реестр тартиб рақами № 001667-01 (ИНН 300490626) билан рўйхатдан ўтган "MEZON TEKSTIL DUNYOSI" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 134795787 сўмдан 62361968 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ЧП "SAMONUR-SAVDO" (ИНН 300394523), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията (002837-08, 06.04.2007г.) Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: м-в Гулистон, ул. Ковунчи, д. 48, опровергая ране данное объявление в газете "Қишлоқ ҳаёти" от 21 февраля 2012 года № 23 (7952) по ликвидации, сообщает о возобновлении своей деятельности (протокол № 2 от 15.08.2012г.). Тел.: (+99890) 989-16-01.

ООО "QAHRAMON FIRE BRICK INVEST" продаёт собственный автомобиль марки Лада-2115 2008 года выпуска, цвет "чёрный жемчуг" и легковой автоприцеп ПА-450EL 2009 года выпуска в среднем состоянии. Тел.: (+99890) 931-39-09 (звонить с 09.00-17.00).

ООО "GOLD RAIN" Чиланзарского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 331.212.640 сум до 167.606.320 сум.

Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган "ZIYO-SARAFROZ" МЧЖ (СТИР 205058804) номини ўзгартирган ҳолда устав фондини 300 000 000 сўмдан 250 000 000 сўмгача камайтиришини маълум қилади. Тел.: 958-10-51.

Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган "TAXI MAXWELL" масъулияти чекланган жамияти устав фонди 16 666 666 сўмдан 5 666 666 сўмга камайганлигини маълум қилади.

"SPARTAK INVEST PLUS" шўъба корхонасига (ИНН 301047446) тегишли бўлган ТА серияли № 0775258 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 25.11.2011 йилда гувоҳнома рақами № 0513834 билан рўйхатга олинган (ИНН 447618958) якка тартибдаги тадбиркор Каххарова Зухра Мухаммадовнага тегишли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 09.06.2011 йилда гувоҳнома рақами 005668 (ИНН 301485069) билан рўйхатдан ўтган "GOLD SLATE" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


# «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

**Давлат солиқ қўмитаси бўлимларидаги «Ишонч телефонлари» тадбиркорлик субъектларининг савдо терминаллари билан ишлашдаги қонунбузарликларни тартибга солиш мақсадида жорий этилган. Мазкур телефонлар воситасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши, сифатсиз маҳсулотларнинг тарқатилиши ва сотилишига чек қўйилмоқда.**

Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, текширув натижаларидан аниқланишича, асосан сотувчилар томонидан назорат касса чекларини бермаслик, махсус ҳужжатга эга бўлмаган маҳсулотларни сотиш ва хизматларни тақдим этиш ҳолатлари харидорларнинг эътирозларига сабаб бўлаётир. Ушбу телефонлар орқали аниқланган ҳолатлар хулосасига кўра, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида қоидабузар тадбиркорлардан жами 16 миллион 100 минг сўмлик ноқонуний маҳсулотлар олинган. Мазкур шахсларнинг қонунга зид фаолиятига чек қўйилиб, тегишли чоралар қўлланилган.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг бўлимларидаги "Ишонч телефонлари" орқали келиб тушган аризалар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда шикоятчи ўз исм-фамилияси, отасининг исми ва манзилини аниқ айтиши лозим. Акс ҳолда юқоридаги қонуннинг 6-моддасига биноан мурожаатлар аноним деб топилиб, уларга жавоб берилмайди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**"Туркистон-пресс".**


Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 30 июндаги № 006648-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган «EL-MADAD-KAMRON» хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли «EL-MADAD-KAMRON» масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Утерянный страховой полис и гос. знак ОАО "Kapital sug`urta", серии KS № 0376922 по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств, выданное страховому агенту ИП Табибуллаеву Нодиру Бахадировичу,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2012 йил 5 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Сирғали тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "West Lend General Trading"га тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 38 ва 40-уйларда жойлашган, А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, И, К, Л блоклар ҳамда айвонлардан иборат бўлган база биноси ва омборлар.

Бошланғич нархи – 898 163 226 сўм.

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.
Лицензия: RR-0017.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази**

*Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли*

Зангиота туман озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

– Тиллар кафедраси – она тили ва адабиёт, рус тили, инглиз тили, нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш;
– Аниқ фанлар кафедраси – математика, физика, информатика, ахборот технологиялари, астрономия;
– Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси – ҳуқуқшунослик, тарих;
– Мутахассислик фанлари кафедраси – компьютер технологиялари, озиқ-овқат технологияси мутахассислари;
– Озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси бўйича олий маълумотли ишлаб чиқариш таълими усталари.

**ТАНЛОВ МУДДАТИ:**
**эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.**

**Манзил: Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, "Қаҳрамон" маҳалласи. Телефон: (+99891) 164-98-00.**


Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси девони жамоаси ЎзМТДП Қуйи Чирчиқ тумани Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Амона Халиковага ўғли
**Ихтиёрбек АШИРМАТОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХУШ КЕЛДИНГ, РАМАЗОН ҲАЙИТИ

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бугун арафа. Улуғ айём арафаси. Бугун шомда сўнгги бор ифторлик дастурхони атрофига ўтирамиз. Бир жиҳатдан олиб қаралганда кўнгилда андак маҳзунлик ҳам йўқ эмас – биз ўн бир ойнинг султони Рамазони шариф билан хайрлашамиз.**

**Қайсиким, бу ой биз учун ғоятда кўп хайрлар насиб этди. Ўзимизни ислоҳ қилиш, гуноҳлардан, айрим ножоиз иллатлардан қутулишимизга имкон берди. Қай биримиз ўринсиз кибрдан халос бўлдик, қай биримиз нафсимизга эгалик қилиш фазилатига эга бўлдик, бошқа биримиз майда гина-кудуратлар юкидан халос бўлдик. Яна биримиз кўпдан узилишиб кетган биродаримиз, қариндош-уруғимиз билан Рамазони шариф баҳонаи сабаб қайта боғланишдик... Ва яна сабрли бўлишга одатландик, бир-биримизга эътиборли, меҳрибон, оқибатли бўла бошладик. Бир қўли қисқага мурувват кўрсатдик, бир мискиннинг бошини силадик, толиби илмнинг мушкулини осон қилдик. Ва яна кимлардир кўпдан бери ният қилиб келгани – номатлуб одати – ароқхўрликни, қашандаликни тарк этди.**

# УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!

Хуллас, Рамазони шариф шарофатларини айтаверсак адо бўлмайди. Шундай экан, у билан хайрлашиш ҳам осон эмас. Бироқ, на илож, ибтидоси бор ҳар нарсанинг интиҳоси ҳам бор. Тасалли шундаки, қадрли, шарофатли ой бизни тарк этаётган бўлса-да, ундан юқтирган, ундан ортирган яхшиликлар, фазилатлар ҳаммаси биз билан қолади, иншооллоҳ. Яъни, Рамазони шариф руҳи энди бизнинг онг-шууримизда, табиатимизда яшай бошлайди...

Эртага Ийд ал-Фитр – Рамазон ҳайити. Ҳайит байрам дегани. Зеро, Парвардигор ҳам ўз муқаддас китобида марҳамат қилади: "Айтинг: Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик) лардан яхшироқдир". (Юнус сураси, 58-оят)

Ушбу оят устида мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, рўзадор Рамазон ойида ҳар қандай дунё бойликларидан яхшироқ нарсага эришди. Бу ерда Парвардигор розилиги ҳақида гап бораётгани ўз-ўзидан тушунарли. Чунки, рўза Унинг розилиги учун тутилади. Рўзани рисоладагидек адо этган мўмин Яратганнинг розилигига, мукофотига эришадики, буни ҳеч бир мол-мулк билан тенглаштириб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам бу кунда ҳар қанча тантана қилса, хурсандчилик қилса ярашади.

Азизлар, биз ана шундай қутлуғ айём арафасидамиз. Эрта тонгдан бутун мамлакатимизда умумхалқ байрами бошланади. Президентимизнинг фармони билан Ҳайитнинг иккинчи куни ҳам дам олиш куни деб эълон қилиниши қувончимизга қувонч қўшди.

Ҳайит байрами, албатта, Ҳайит намозини адо этиш билан бошланади. Икки мингдан ортиқ муҳташам жоме масжидларига тўпланган юртдошларимиз яқдиллик билан дуога қўл очиб, энг некбин ниятларини дилларига тугиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги, ҳаётимиз тўкислиги барқарор бўлишини Яратгандан тилаб дуои хайрлар қиладилар.

Кейин эса ота-оналар, қариндош-уруғ, ёру биродарлар зиёрат қилинади. Хонадонларда тўкин байрам дастурхонлари ёзилади. Рамазони шарифда бошланган эзгу ишлар – йўқловлар, хайр-саховатлар, сийловлар байрам кунлари ҳам давом этади, мустаҳкамланади. Байрам ҳамманики, ундан ҳеч ким бебаҳра қолмаслиги, байрам шукуҳи ҳар бир инсон қалбига кириб бориши керак. Бунинг учун фитр садақаларини ўрнини билиб тақдим этиш, айниқса муҳим ўрин тутади. Хайр-садақа инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, орани илиқ қилади, меҳр-оқибат пайдо қилади. Қолаверса, саховатли давлатманднинг давлатига янада қут-барака инади. "Бақара" сураси (261-оят)да марҳамат қилинганидек: "Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир дон бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради..." Демак, Рамазони шарифда бўлганидек, Рамазон ҳайитида ҳам эзгуликлар қилиш, савоблар қозониш имкони бисёрдир.

Бугун Рамазони шарифнинг сўнгги куни. Биз ўттиз кун мобайнида илоҳий амрга кўра рўзадор бўлдик. Ейиш-ичишдан тийилдик. Айни чоқда номуносиб ишлардан парҳез қилдик. Ёмон гап-сўзларни тилга олмадик, ғийбат қилмадик. Араз-гинани йиғиштирдик. Дардлининг дардига бепарво бўлмадик. Бошқаларнинг ташвишига шерик бўлдик, муаммосини биргаликда бартараф этдик... Булар барчаси рўзадорликнинг қатъий шартлари эди ва биз унга амал қилдик. Бугун шомда эса сўнгги марта ифторлик дастурхони атрофига ўтирамиз, яъни рўзадорлик тугайди. Эртадан яна одатий уч маҳаллик ейиш-ичишга ўтамиз. Ва шундан кейин ҳам биз моҳиятан рўзадор бўлиб қолаверсак, яъни Рамазонда эришган гўзал инсоний сифатларни асраб қола билсак, дунё молларига бергусиз саодатга эришган бўламиз. Қолаверса, бу Парвардигорнинг буюк неъмати – Истиқлол берган улкан имкониятлар – эътиқод эркинлиги, тилимиз, динимиз, эркимиз дахлсизлигига, осойишта ҳаётимизга нисбатан шукронамизнинг ёрқин ифодаси бўлур эди.

Азизлар, қутлуғ Рамазон ҳайити ҳаммамизга муборак бўлсин! Тинчлигимиз, мустақиллигимиз бардавом, юртимиз обод, турмушимиз бундан-да фаровон бўлаверсин!

**Қурбонали ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

XXI аср ва дунё

## ТЎПОЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**Франция жанубидаги Amiens шаҳри полицияси оммавий тартибсизликлар келтириб чиқарганлардан энг фаолларини ҳибсга олгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Қамоққа ташланган беш кишининг икки нафари бинога ўт қўйишга уринаётганда ушланди. Гумондорлар 15 дан 30 гача бўлган ёшлар. Уларга ўт қўйишдан ташқари, талонторож қилиш ва ўғирланган нарсаларни сотиш каби айблар ҳам қўйилмоқда.

Тўс-тўполон иштирокчилари 100 киши атрофида. Аслида тартибсизлик автоаварияда ҳалок бўлган кишини дафн этиш маросими иштирокчилари билан полиция ўртасидаги тўқнашувдан сўнг бошланиб кетди. Тўқнашувга эса машинани эҳтиётсизлик билан бошқарган ҳайдовчини полиция ушлагани сабаб бўлиб, ёшлар тартиб сақловчиларга ҳужум қилдилар. Воқеа жойига қўшимча кучлар чақирилди. Тез орада 250 тартиб сақловчи, жумладан, махсус хизмат вакиллари ҳам етиб келишди. Бундан ташқари, операцияда вертолёт ҳам иштирок этди.

Тўполончилар полиция устига тошлар улоқтиришди, бир нечта уйни ёқиб юборишди. Тартибсизликлар 17 полициячининг жабрланишидан ташқари тахминан миллион евро моддий зарар ҳам етказди.



НИГОҲ

# ПАРОКАНДАЛИКНИНГ АЙБДОРИ КИМ?

**Қирғизистонда аграр тармоқнинг том маънода ҳалокатга учрашидаги бош айбдор қишлоқ хўжалиги тақдирига мутлақо бош қўшмай қўйган ҳукуматнинг ўзидир. Бизнинг биринчи раҳбарларимиз бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаммасини тартибга солади, ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, деб ўтган асрнинг 90-йилларида халқнинг қўйнини пуч ёнғоққа обдон тўлдирди. Аммо, қуруқ қошиқ оғиз йиртади деганларидек, қуруқ гап билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.**

Сиёсатчилар тоғли ҳудудларнинг табиий ва иқлим шароитлари текис ерларнинг қулай шарт-шароитлари билан ҳеч қачон тенглаша олмаслигини унутиб қўйишган чоғи. Негаки, экин майдонларининг баланд-пастлиги ва қияликлар, ҳароратнинг пастлиги ва вегитация даврининг нисбатан қисқалиги катта қийинчилик ва муаммолар келтириб чиқариши табиий.

Мамлакатдаги "ислоҳот"лар натижалари кутилганидан ўзгача бўлиб чиққани шундан. Республика аҳолисининг 75 фоизи қишлоқларда яшаб, тирикчилик қилади. Улар доимий даромаднинг йўқлиги сабабли бор мол-ҳолларини сотиб, еб бўлдилар. Масалан, қўйлар 15 миллиондан 4,7 миллион бошга тушиб қолди. Ҳайдаладиган ерлар кичик-кичик фермерларга майдалаб бўлиб берилгач, тижоратга асосланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, тепаликлардагилари фойда келтирмай қўйди. Аҳоли бундай маҳсулот ҳисобига қора қозонини аранг қайнатиши мумкин, шу боис камбағаллик даражасидан ҳам паст аҳволда яшамоқда. Иқтисодий таназзул қайта ишлаш ва бошқа корхоналарнинг ёпилишига олиб келди ва демак, тоғли зоналардаги аҳолининг бандлиги масаласи ҳам янада ночорлашди.

2012 йилда Қирғизистон ҳукумати "Фермерларга мақбул кредит-2" дастурига 1 миллиард сом, яъни деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун 500 миллион сомдан маблағ ажратиб, қишлоқ туманларига гўё меҳрибонлик кўрсатган эди. "Айил банк"нинг кредитлаш бошқармаси бошлиғи Айнур Тезекбоеванинг гапига қараганда, 2 миллиард 351 миллион сомга буюртма тушган. Бироқ, амалда бор-йўғи 189 миллион сом ажратилган, холос.

Ваҳоланки, кредит олишни истаётганлар кун сайин кўпайиб бораяпти. Шу билан бирга иши битмаётган норозилар сафи ҳам тобора кенгайяпти. Кўпгина аҳолининг ишончи комилки, республикада кредитларни тақсимлашнинг ўзига хос йўллари, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик ва айниқса, коррупция авж олиб кетгани боис кредит маблағларининг фермер хўжаликларига етиб бориши амри маҳол. Устига устак, уни олиш учун кўпдан-кўп қоғозларни тўлдириш ва бирор қимматли нарсани гаровга қўйиш лозим бўлади. Бу ерда гап кредитнинг миқдорида эмас. Халқ "кўп эмас, тез берган маъқул" деб бежиз айтмайди. Дала ишлари билан доимо банд бўлувчи фермерларда қоғозлар билан шуғулланишга вақт бўлавермайди. Банкдагилар эса "ўз одамлари"га керакли ҳужжатларни бир зумда тайёрлаб берадилар. Гарчи, банкларда энг кўринарли жойга банк ходимларига кредит беришни тақиқлаш тўғрисидаги буйруқ осиб қўйилган бўлсада, бироқ уларнинг кўп сонли қариндош-уруғлари ҳақида бу буйруқда лом-мим дейилмаган...

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат бюджетидан бериладиган маблағлар етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматининг 50 фоизига тенг. Шу маънода айтиш мумкинки, миллиард сом – денгиздан томчи. Кўплаб мутахассислар ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга пул билан ёрдам бергандан кўра, инфратузилмаларни мувофиқлаштирган ва маҳсулотни сотиш бозорларини ташкил этган маъқуллигини таъкидламоқдалар. Масалан, 2011 йилда картошкадан яхши ҳосил олинган эди. Бироқ, пировардида унинг сотилиш нархи таннархдан паст бўлди. Кулгили ҳол, аммо, энг ишчан фермерлар энг кўп зарар кўришди.

Карам етиштирувчилар ҳам маҳсулотларини сотишда кўп қийинчиликларга дуч келишади. Жанчи-Жар қишлоғидаги деҳқон хўжалиги эгаси Гасан Исаев шикоят қилади: "Бизда килограммини 2 сомдан қабул қилишади. Тожикистонда эса 20 сом. Маҳсулотни Қозоғистон ёки Россияга олиб бориш ундан қимматга тушади. Қозоғистонга олиб бориш учун бир килосига 3 сом бож тўлови тўлаш керак. Бундан ташқари, ортиш ва туширишчи? У қанчага тушади. Бу "ўлганнинг устига тепиш" эмасми?"

Хуллас, пировардида етиштирилган ҳосил чириб кетади. Шаҳарлик истеъмолчилар эса, карам ва картошканинг арзонлигини амалда сезмайдилар ҳам. Негаки, даладан бозор пештахтасигача бўлган йўлни мафия гуруҳларидан иборат олибсотарлар назорат қилади. Йирик супермаркетларга эса маҳаллий маҳсулотларни келтириш ва сотишга тайёрлашдан кўра, яхши сараланган ва тозаланган маҳсулотни хориждан харид қилган осон ва фойдали. Сиёсатчиларнинг вайсақилиги ва масъулиятсизлиги туфайли на экспорт, на божхона тўловлари ва на болалаб кетган олибсотарлик муаммолари ҳанузгача ҳал этилмади. Фермерлар ўз ғам-ташвишлари олдида ёлғизлар.

Қизиқ, халқ кундалик зарур юмушлари ва муаммоларини ҳал этиб беришлари учун сайлаб қўйган депутатлар нима ҳақида ўйлашаяпти? Қош қўяман деб кўз чиқариш ярамайди. Ахир ҳозир ҳар қандай, ҳатто, энг кучли ривожланган мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари устувор аҳамият касб этмоқдаку?!

**Канибек БОЙҒОЗИЕВ.**
**www.paruskg.info.**

## ЖАНГАРИЛАР БАЗАГА ҲУЖУМ ҚИЛИШДИ

**AFP агентлиги хабарида маълум қилинишича, Покистон Ҳарбий ҳаво кучларининг мамлакат пойтахти Исломободдан 50-60 километр масофадаги Камро ҳарбий базасига номаълум жангарилар ҳужум қилдилар.**



Покистон ҳарбий хизматчилари ҳужумчиларга қарши ўт очишди. Ҳарбий тўқнашувда Покистон махсус хизмати кучлари ҳам иштирок этди. Натижада кучли отишув юз берди. Аммо, томонлардан қурбон бўлганлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ. Гувоҳларнинг айтишича, база томондан ўқ товушларидан ташқари портлаш овозлари ҳам келиб турибди.

Авиация техникалари йиғиладиган бир нечта корпусга эга Камро базасига бундай ҳужум биринчиси эмас. 2009 йилнинг октябрида база ҳудудига кираверишда қўриқчилар шаҳидчининг ҳужжатларини текшираётган пайтда, у портловчи воситани ҳаракатга келтирган эди. 2007 йилнинг декабрида яна бир террорчи-шаҳид портловчи модда жойланган юк машинасини база ходимларининг болаларини ташийдиган автобусга келтириб урган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

БИЛАСИЗМИ?

**Нидерландиянинг "Mars One" фазовий лойиҳаси муаллифлари 2023 йилга бориб Марс сайёрасига одамларнинг кўчиб ўтиши мумкинлигини тахмин қилмоқда. Лойиҳа раҳбарларидан бири Бас Лансдорпнинг айтишича, айни пайтда Марсга йўл олишни хоҳловчилар учун чипталар сотувга чиқарилган.**

## «БОРСА-КЕЛМАС» САЙЁРА

Аммо йўловчилар у ерга парвоз қилганидан сўнг қайтиб келиш имкониятига эга бўлмайди. Олимларнинг сўзларига кўра, Марсдан, ҳатто фазовий аппаратлар ҳам ҳозиргача қайтиб келмаган.

Лойиҳага кўра, 2023 йили парвозга дастлаб тўрт фазогир йўл олиши кутилмоқда. Марсдаги ўзгача экологик ҳолат тақозоси билан уларнинг нурланиши мумкин бўлган айрим органлари олиниб, сунъийсига алмаштирилади. 2023 йилга қадар эса ушбу сайёрага фазовий сайёҳлар учун алоҳида озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва қўшимча кислород, зарур техника ва технологиялар юборилади. Фазогирларни у ерга жўнатишдан кўзланган асосий мақсад қизил сайёрада тадқиқот ва кузатиш ишларини амалга оширишдан иборат. Хабарларга қараганда, мазкур лойиҳа тафсилотлари мамлакатнинг махсус фазовий телекўрсатуви орқали кузатиб борилади.

**ЎзА.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# «БУВИСИНИ КЎРАДИ»ган БЎЛДИ

Ҳар бир мамлакат – ўз қонунлари билан батартиб. Қонунларнинг бирорта талаби бузилдими, ҳуқуқбузарликка йўл очилади, жиноятчилик кучаяди.

Бекобод тумани Далварзин қишлоғининг Сафаров маҳалласида рўй берган воқеа бунга бир мисол. Шу ерда яшовчи Манзура Қодированинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ертўлада 28 дона компьютер сақланаётгани аниқланди. Уй эгалари уларга ҳеч қандай ҳужжат тақдим этиша олмади. Табиийки, дарҳол далолатнома тузилди. Мамлакатимизга божхона назоратини четлаб ўтиб, ноқонуний келтирилган, умумий қиймати 9 миллион 850 минг сўмлик компьютерлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Дастлабки терговг жараёнида аниқланишича, компьютер мониторларини шу қишлоқда яшовчи ака-ука Зоҳиджон, Содиқ, Суннатилла ва Мўмин Маллаев бошқа бир гуруҳ шериклар билан тожикистонлик Ғайбулладан олиб, вақти-соати билан сотиш учун яшириб қўйишган экан.

– Маҳалламизда яшовчи Фахриддин Холматов қўнғироқ қилиб: "Компьютерлар келаяпти, чегарада қабул қилиб олиш керак" деди. Чегарага бордим. Тожик йигити юкни машинада олиб келган экан. Тушириб, чегара симлари остидан ўтказдик. Юкни олиб келган киши қайтиб кетди. Компьютер мониторларини эллик метрча ичкарига олиб кириб, паналаб қўйдим-да, укам Суннатиллани чақиргани жўнадим. У билан бирга Бахтиёр, Ботирали акаларни, укаларим Мўмин, Содиқ, қўшниларимиз Абдужаббор, Бекзод ва Шерзодларни ҳам ёрдамга чақирдим. Ҳар бирига 20 минг сўмдан беришимни айтдим. Уни тоғам Баҳромнинг уйига олиб бордим...

Булар – судланувчи Зоҳиджон Маллаев судья сўроқларига жавоб бериб айтган гаплар. Қарангки, у бамисоли қўшнисининг хонадонига кириб чиққандек бамайлихотир, хотиржам гапираяпти. Бошқа судланувчилар ҳам воқеани шундай жўнгина тасвирлаб беришди. Зоҳид Маллаев "Бувимнинг уйларига бориб келамиз" деб, укаси Суннатиллани бу ишга жалб қилган. Кичик укаси Мўминга телефон қилиб: "Иш бор, чегарага етиб кел" деб чақириб олган.

Қарангки, Зоҳид Маллаев содир бўлаётган воқеаларга оддий бир иш деб қараган, оқибатини ўйламаган. Фойда тариқасида оладиган даста-даста пуллар кўз ўнгида турган, холос. Юз бераётган воқеага бошқа иштирокчилар ҳам наф кўриш омили сифатида қарашган. Буни Мўмин судда очиқ-ойдин айтди: "Фойда олиш мақсадида бу ишларга қўл урдим". Хизмат ҳақи тариқасида йигирма минг сўм ваъда қилингач, Бахтиёр Тоштемиров, Ботирали Қодиров, Абдужаббор Тўйчиев, Бекзод Норматов ҳам чаққон бўлиб кетишди, юкларни Суннатилла олиб келган аравага тезгина юклашиб юборишди.

Ҳаммасидан судланувчи Фахриддин Холматовнинг суддаги гапи қизиқ бўлди.

– Зоҳиджон уйимга пул сўраб келди, – деди у. – Тожикистондан юк келтириб беришни сўради. Мен: "Қўй, ҳозир тинч эмас, шу ишларни кейинроқ қиламиз" деб айтдим...

Қаранг, бир киши қонунларни топтаб, чегарадан бекитиқчи юк олиб ўтмоқчи. Фахриддин Холматов уни бу йўлдан қайтариш ўрнига важ айтаяпти, ишни пайсалга солаяпти. Бу гаплар, важлар замирида нархини кўтаришга интилиш шундоққина сезилиб турипти. Сир очилиб, иш судда кўрилаётганида эса, "Зоҳиджон сиз айтинг, юкни олиб келсин, бу ёғига ўзим жавоб бераман" дегач, "иш"га аралашиб қолганини писанда қилиб, ўзини четга олаяпти. Сувдан қуруқ чиқиб кетмоқни кўзлаяпти.

Хуллас, суд ишни ипидан игнасигача суриштирди, барча гувоҳларни тинглади. Амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, баъзи судланувчиларга қўйилган айбларни қайта малакалади. Фақат Зоҳиджон Маллаевнинг жиноий хатти-ҳаракатлари Жиноят Кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг "в" ва 223-моддаси 2-қисмининг "б" бандлари билан тўғри ва асосли малакаланган деб топилди. Лекин жазони белгилашда инсонпарварлик тамойиллари устун келди, унга ҳам ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди. Шу тариқа 28 та компьютер чегарадан ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатда у ёки бу даражада иштирок этган ўн судланувчининг ҳар бири ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди. Ашёвий далил – 9,98 миллион сўмлик компьютерлар давлат фойдасига ўтказилди.

Қиссадан ҳисса шуки, қонун талаблари – муқаддас. Уларни бузиш ҳеч шубҳасиз жиноят содир этилишига олиб боради. Қонунларни менсимаслик, иш пинҳона битирилади, ҳеч ким пайқамайди, деб ўйлаш калтабинлик. Жиноий хатти-ҳаракатлар нечоғлик пинҳона содир этилмасин, барибир ошкор бўлади, қора курсига ўтиришга, ўз қилмишлари учун жавоб беришга тўғри келади. Буни ҳамиша ёдда тутиш, қонунларни муқаддас билиш лозим.

Далварзинда Зоҳиджон Маллаев укасини "Бувимникига бориб келамиз", деб алдаб, жиноятга бошлаган эди. Мўмай даромад топиш учун шу қадамни қўйганди. Ана энди у ўз хоҳиши билан эмас, суд қарори билан уч йил давомида "бувисини кўради"ган бўлди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбири.**

БУ – ҚИЗИҚ

## *Ҳайдовчисиз юрадиган машиналар*

АҚШнинг "Oshkosh" автомобиль компанияси ҳайдовчисиз ҳаракатлана оладиган ҳарбий юк машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, бу машиналар роботлаштирилган махсус "Terramax" технологияси билан жиҳозланган. Уларни монитор орқали назорат қилиш, зарур ҳолларда масофадан бошқариш мумкин. Маълумотларга кўра, жойстик ёрдамида бошқариладиган "Terramax"ни деярли ҳар қандай транспорт воситасига ўрнатиш мумкин.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, 2015 йилга бориб мамлакатдаги ҳарбий транспортнинг учдан бир қисми ҳайдовчисиз ҳаракатланади.

## *«Ўргимчак одам»нинг янги рекорди*

"Ўргимчак одам" номи билан дунёга машҳур франциялик Ален Робер янги рекорд ўрнатди. Хабарларга қараганда, у Франция пойтахтининг Дефанс туманида жойлашган 231 метрли "Ферст" биносини ҳеч қандай хавфсизлик воситаларидан фойдаланмаган ҳолда забт этди. 49 ёшли спортчи бир соат ичида бино томига чиқиб олди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Ален шу пайтгача саксон бешта осмонўпар бино чўққисини забт этган. Улар орасида Дубайдаги "Буржи Халифа", Нью-Йоркдаги "Эмпайр стейт билдинг", Париждаги "Эйфель" каби миноралар бор.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




*– Яхши қиз, бу курумсоқдан воз кечинг, сиз мана менга муносибсиз, чунки менинг машинам, икки қаватли уйим ва пулларим бор.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 7012. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45. 12345